



ОТТИ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ
27 МАРТДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 27 апрел, сешанба № 69 (1702)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

Ҳ.У.Фуломов (Ҳамид Фулом)ни
«Меҳнат шухрати» ордени
билан мукофотлаш тўғрисида

Кўп йиллик самарали ижодий меҳнати, ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллиги учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Убайдуллаевич Фуломов (Ҳамид Фулом) «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 апрел

И.КАРИМОВ

Ислохот инсон учун

ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

Данғара туманидаги «Сирдарё» ширкат ҳўжалиги тўқсон бешинчи йилларда давлатга ўн минг тоннадан зиёд пахта сотарди. Аграрноат мажмуининг барча тармоқларида икки минг нафар киши меҳнат қилар, илгор ҳўжаликлар сирасига кирар эди. Бироқ энди бу ширкат ҳўжалиги йўқ, Бойси, кейинги йилларда меҳнатнинг тўғри ташкил этилмаганлиги, ишчилар манфаатига эътиборнинг сусайиб кетганлиги ва жамоа шартномаси бандлари таъминланмаганлиги оқибатида дастлаб ҳўжалик санацияга тушди, сўнг эса ўзини ўзи моддий таъминловмагач, буткул эл назаридан қолди.

Энди эътиборингизни бошқа жойга-шимолнинг аччиқ совуғига, инжиқ табиати кўйида жойлашган Хонқа туманидаги «Хоразм» ширкат ҳўжалигига тортаямиз.

Даставвал мана бу рақамларга эътибор қаратсак: ўтган мавсумда жамоа аҳли 1600 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, йилни қарийб 700 миллион сўм фойда билан яқунлади. 45 нафар ишчи ва меҳнат фахрийлари ширкат ҳисобидан турли санаторий ва профилакторийларда соғлиқларини тиклаб олишди. Тасарруфдаги 3 та мактаб тўлиқ таъмирланиб, беш нафар аълочи ўқувчи ва уч нафар ўқитувчига ҳомийлик қилинди. 94 ўринли болалар боччаси йил давомида узлуксиз ишлади. Ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ойма-ой ошиб, маош 14 миң сўмдан 25 миң сўмгача ортди.

Тасарруфда истиқомат қилаётган ўн миң нафардан ортиқ аҳоли орасида 20 та кам таъминланган, 18 нафар меҳнат фахрийси ва 5 нафар боқувчисини йўқотган кишилар меҳро-оқибат оғушига олинган. Энг муҳими, йил якунига қўра пайчилар ишлаб топган ҳар сўмига икки сўмдан қўшимча даромад-ли бўлишди. Холбуки, Хонқада ҳам «Сирдарё» ширкат ҳўжалиги сингари аҳолга қелиб қолган жамоалар йўқ эмас.

«Хоразм» муваффақиятининг асосий омиллари нимада? Даставвал пудрат хусусида: ислохот талабларидан қелиб чиққан ҳолда тажрибали деҳқонларга зарур шaroитлар яратилди. Икки йил оралмида 750 та оила пудрати шаклланиб, улар етиштирган маҳсулот умумийдаги қараганда бир баравар арзон, камҳаражат ва сифатлироқ бўлиб ҳўжалик ҳазинасига даромад олиб келди, иккамчиси, сарф-ҳарajatлардан иқтисод қилинган маблағ қўшимча тармоқларни ривожлантиришга, янги ишчи ўринларни барпо этишга қаратилди.

Масалан, фақат тежалган маблағ ҳисобига ўндан ортиқ савдо расталари, аҳолига хизмат кўрсатиш шохб-чалари - нововойна, қулочлик, тикиш-бичиш цехи ва кишлоқ гузари, сартарошхона, этикдўзлик, гишт заводи қурилши бошлаб юборилган. Аини

пайтда уларнинг аксарияти ишга туширилиб, кишлоқларда бекор юрган 75 нафардан зиёд ёшлар доимий ишга бўлишди.

Ростини айтиш керак, ширкатда ишнинг тўғри ташкил этилиши ва ишлаб чиқаришнинг изга тушишида жамоа шартномасининг алоҳида ўрни бор. Меъёрий ҳужжатлар йил бошидаёқ ишчилар ҳамкорлигида муҳокама этилиб, унга амал қилиш қатъий белгилаб қўйилган. Шу боисдан шартнома бандлари асосида ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ҳуқуқ ва манфаатлари, саломатликларини тиклаш борасида қўзланган максатларга эришилмоқда.

Жамоада меҳнат шартномасининг изчил амал қилаётгани ва одамларнинг ундан манфаатдорлиги ишлаб чиқаришда аиниқса, ўз аксини топган. Айтилик, ҳозирги кунда ширкатнинг 1200 нафар ишчиси бор. Меҳнат аҳлининг ҳар бири бажараётган иши самарасини яқши билди. Қўл ураётган юмуши эртага ўзига, ҳўжаликка қандай наф келтиришини, сарфлаётган ҳар сўми қанчага ортишидан хабардор. Бошқача айтганда, ширкат аъзолари барча нарсага ўз мулкига қарагандай қарайди, уни авайлаб асрайди.

Меҳнатга муносабат бозор тамойиллари талабига мослашаётгани кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ҳосилдорлигини оширишга омил бўлмоқда. Чўноччи, кейинги йилларда галла 34 центнердан 48 ва хатто 50 центнерга ошиб, таннарх 1,5 фоизга арзонлашган. Пактачиқирда эса 26 центнердан 34 центнерга кўтарилди. Аини пайтда бу - меҳнат қилиб йил охирида қарадор бўлиб қолишга эмас, балки моддий таъминотнинг муқтаҳамланишига имкон яратмоқда. Шунинг ҳисобига маошдан қарадорлик, деган иборалар эсдан чиқиб кетди.

Маълумки, ҳўжаликларда ишлаб чиқариш саннат корхоналариникидан тубдан фарқланади. Корхона маҳсулотини ойма-ой шаклланди, ширкатларники эса йил охирида сарҳисоб қилинади. Бозор иқтисоди шaroитида бу ишчининг моддий манфаатига зиён етказиши турган гап. Боз устига, ширкат маъмурияти изланмаса, аҳоли янада оғирлашиши мумкин.

«Хоразм» ширкат ҳўжалигида бу ма-

сала ечимини топган. Айтилик, ҳар йили галладан бўшаган майдонлар тақрорий экиб олиш учун ишчиларга бўлиб берилади. Шунингдек, вақтни тежаш мақсадида экин майдонлари ҳўжалик ҳисобидан шудгорланиб, сугорилди, имкон даражасида уруг ва ўғит билан ҳам таъминланади. Ишчиларнинг қўшимча даромади олишига манба яратишнинг бу усули эндиликда вилоятнинг барча туманларида кенг қўлланилиб, ижобий самара топаётти.


Муаммо ҳам йўқ эмас. Ҳўжаликда ширкатнинг 1200 нафардан зиёд ишчиси қаторида, ён-атрофдаги катта-кичик кишлоқларда 10 миң нафар аҳоли яшайди. Етти ёшдан етмиш ёшгача - барча-барча ҳўжаликдан умидвор. Шу сабабли тўй-маъракаларда бош-қош бўлишдан ташқари, кўп болали, кам даромадли ҳамда қарамоғида ҳеч кими йўқ оилалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига 100 килограммдан бугдой ва бошқа кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бепул берилиши, ариза билан мурожаат қилганларга эса бозордагидан 1,5 баравар арзон нархларда маҳсулотлар тарқатилиши йўлга қўйилган.

Яқши дам, меҳнатга ҳамдам, деган иборани халқимиз бежиз айтмайди. Дарвоқе, бу масала ҳўжалик жамоа шартномасида ўз аксини топган. Утган ойларида 16 нафар ишчи ширкат ҳисобидан сикатгоҳларда дам олди. Шунингдек, 34 нафар киши республикамиздаги зиёратгоҳ гушларига бўлиб қайтишди.

Умуман, бозор иқтисоди талаблари асосида иш юритиб, ўзини ўзи моддий таъминлаш манбаларини излаётган ҳўжалик ҳақида кўп ёзиш мумкин. Муҳими, бу ерда одамлар шурида янгликка интилиш кучайиб бормоқда, қолаверса, меҳнатга, ишлаб чиқаришга муносабат ўзгармоқда. Зеро, бугунги кўйлаётган талаблар нафақат турмуш фаровонлигини яқшилашни, балки кимнинг ким эканлигини аниқлаб беришни тақозо этади.

Ҳа, юртимиз шимолида «Хоразм» ширкат ҳўжалиги жамоаси сингари эртанги кун учун муқтаҳам тамал тоши қўятган корхоналар ҳам, жамоалар ҳам жуда кўп.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири



Мустақиллик шарофати билан Нукус матбаа корхонаси энг замонавий ускуналар билан жиғ-ҳозланди. 1997 йили Германиянинг «Гейделберт» фирмаси билан ҳамкорлигининг яқши йўлга қўйилиши бу борадаги муваффақиятларда муҳим омил бўлди. Фирмадан келтирилган ускуналар ишга туширилгач, корхонада ишлаб чиқарилаётган газета-буллет, китоблар ва бошқа маҳсулотлар рангли тасвирда, миқозларнинг дидига монанд келадиган бўлиб қолди. Бу борада, албатта, мута-

сатдиларнинг ташкилотчилиги салмоқли бўлганини таъкидлаш ўринлидир.

Суратда: матбаа корхонасининг оператори Дилбар Қалимбетова.
Д.ТОҲИРОВ олган сурат

МАКТАБ ҲОМИЙСИ

Одатда мактаблар ёзги таътилда таъмирланади. Жондор туманининг Қўйи Лукмон кишлоғидаги 36-мактаб эса яқин кўнларда янги ўқув йилга шай бўлади.

Таъмирлашга апрелнинг бошида киришган эдик, - дейди мактаб директори Орзу Сафаров. - Кишлоғимиздаги «Наврўз бобо», «Абдулла бобо», «Ибн Зиёд», «Фатулла Жўра» каби фермер ҳўжаликлари биздан ёрдамини аямаяпти.

Кишлоқ фермерлари, булардан ташқари, мактабга икки юз миң сўмлик спорт жиғозлари, футбол, волейбол, баскетбол тўплари, шахмат-шапка, спорт кийимлари ҳам олиб берди.

Мактабда спортга алоҳида эътибор қаратилган. Ўқувчилар вилоят ва мамлакат миқосидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этади. Спорт зали ва стадион кураш, футбол, волейбол, баскетбол, ёнги атлетика, стол тенниси билан қизикувчи ёшлар ихтиёрида бўлади.

Жондорлик фермерлар тумандаги бошқа мактабларни ҳам эътиборсиз қолдирётгани йўқ. Улар шу йилнинг ўзида мактабларга икки миллион сўмлик спорт жиғозлари олиб берди.

(УЗА)

Иккинчи қақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессиясининг

очилиш тўғрисида

Иккинчи қақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 2004 йил 29 апрел кўни эрта-лаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 апрел кўни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига қирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисида 27 апрел кўни соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси ва «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг йиғилиши бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 27 апрел кўни соат 16.00 да бўлади.

Олий Мажлисида 28 апрел кўни соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлиси депутатлари блоқи ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлиси депутатлари блоқи йиғилишлари ўтказилади.

АМАЛИЙ ЁРДАМ

Асака шаҳрида бизнес-инкубатор очилди. У бошловчи тадбиркорларга ўз бизнесини юритиш қўнимчаларини эгаллашда ёрдам беради.

Ташкилотимиз бизнес оламида иш олиб боришга қарор қилганларга бирламчи билим беради, - дейди бизнес-инкубатор директори Т.Аҳмаджонов. - Хоналар ва ўқув синфлари зарур жиғозлар билан таъминланган. Мутахассисларимиз консалтинг ва ахборот хизматлари кўрсатади. Бу ерда «Асака-банк» шаҳар бўлимининг «Ниҳол» минибанки ҳам очилди.

ҚАҲРАМОННИНГ ЯНГИ ОТАРИ

Томди туманидаги «Бирлик» қоракўлчилик ширкат ҳўжалиги бош чўпонини, Ўзбекистон Қаҳрамони Серикбой Сағатов кўзи-латиш мавсумини вилоятда биринчи бўлиб яқунлади.

У қарамоғидаги 465 бош совлиқдан беш юзга яқин соғлом қўзи олди. Шундай қилиб, чўпоннинг отари бу мавсумда яна биттага кўпайди. С.Сағатов каби илгор чорвадорлар меҳнати тўғрйли туманда қарийб 130 миң бош қўзи ўсишга қолдирилди. (УЗА)

Мен бу йилги ҳақида ўйлаганимда, инсон ўз тақдирининг тўла ҳуқуқли ҳўжайини экани, ҳаёт синновларини мардонавор, сабр-бардош, ақл-заковат билан енгиб ўтган, ҳақлигига ишонган ва бу йўлдан бир лаҳза ҳам чекинмаган одамгина қўзлаган максатларига эриша олишига яна бир қарра иқдор бўламан. «Менинг тавишли қўнларим Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси суд тиббий экспертиза бюроси томонидан Қибрай туман экспертизасидан собиқ раҳбар даврида - сўнгги етти ой 2002 йил 1 августта берилган 105 хулоса хато ва гумонли деб топилган қўндан бошланди, - деб ёзади у.

Орадан бир йил вақт ўтгач, Қибрай туман прокуратураси ва ички ишлар бўлимига 51 хулоса бўйича олиб борилган тергов жараёнини қайтадан кўриб чиқиш тўғрисида хат юборилди». Қибрай туман прокуратураси ва ички ишлар бўлимида бу хулосалар бўйича тергов харакатлари алақачон тугаганлиги, айбдорлар суд ҳукми билан жазолангани, бир қисми амнистия ақти билан жазони ўташдан озод қилингани учун хато ва гумонли деб топилган 51 хулоса республика бош тиббий экспертиза бюросига рецензияга жўнатилди. Яқшиямки, бу ерда Қибрай туман экспертизаси томонидан аксарият хулосалар тўғри берилганлиги, фақат 7 ҳолатда тан жароҳатини аниқлашда ҳақиқатга зарар етказмайдиган камчилик ва нуқсон бўлгани аниқланди. Шу орада бюро бошлигининг Р.Тожиқуловни Қибрай туман суд тиббий экспертиза бўлимига мудириликдан Бўка туманига юбориш тўғрисидаги буйруғи чиқарилди. Бироқ буйруқ амалга ошмагач, бекор ҳам қилинмай бюронинг ташкилий-услувий бўлимига ишга ўтказиб қўя қолишди.

Қибрай туман прокуратураси томонидан «ушбу хулосалар ўз вақтида вилоят экспертизаси бюроси томонидан идоравий назорат тартибиде ўрганилганда, бундай муаммоларнинг олдини олиш мумкинлиги» ҳақидаги эътироз хати вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига юборилгач, Р.Тожиқуловни Қибрай туман экспертиза бўлимига бошлиғи вазифасида ишлаб турган даврида «йўл қўйган кам-

муносабат яқши томонга ўзгармади. Нисбатан кичик ва чекка туманларга ҳодимлар сони тўлдириб берилгани ҳолда бу ерга етарли иш ўрни ажратилмади. Бу ҳали ҳолва экан. Тошкент вилоят прокуратурининг 2003 йил 13 мартдаги қассация тартибидеги прокуратура асосан жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2003 йил 25 мартдаги ажримига қўра жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг А.Холматов-

конталаш, даҳан ўнг тарафи шилинмаси, кўкрак қафаси орқа юзаси шилинмалари кўринишидаги тан жароҳатлари аниқланган. Бу жароҳатлар қаттиқ, тўмтоқ, ўтмас буюмининг бир неча бор таъсирида марҳум ўлими олдидан етказилган. Бунинг ўзи белгилирига қўра тирик шахсларда ёнги тан жароҳати гуруҳига киритиш мумкин. Марҳум мурдасидаги тан жароҳатлари билан ўлим сабаби боғлиқ эмас, чунки тан

жаҳолатлари етказилганда у ҳаёт бўлган. Худди шунингдек, марҳум мурдаси, қони, сийдиғи суд қиёмисиде текширилганда қон таркибиде 2,6, сийдиғиде 1,8 промил миқдориде этил спирти бормлиги маълум бўлган. Бу миқдор тирик шахсларда этил спиртидан мастликнинг қучли даражаси киришиги кўрсатилган. Суд тиббий экспертнинг маърузаси билан тасдиқланганлиги тўғрисидаги 106-сонли экспертиза ҳисобиде маъруза бўлса-да, - дейди эксперт, - ўлим миғяга етказилган жароҳат натижасиде бош мия суякларининг синиши, бош миғянинг оғир жароҳатланишидан содир бўлган, деб вилоят прокуратурасига била туриб ёлгон қўрсатма берилди ва суд қарорига нисбатан шубҳа уйғотишга эришилди.

Ҳайриятки, Р.Тожиқуловнинг республика бош суд тиббий экспертиза бюросига тақрорий экспертиза тайинлашни сўраб берган аризаси қааноатлантирилди. Бош бюронинг 2003 йил 7 июлдаги 31-сонли хулосасиде 20-сонли хулосадаги ўлим «бош миғянинг оғир даражада жароҳатланиши, бош мия суякларининг синишидан содир бўлган» деган фикри нотўғри экани кўрсатилди. Шу йилнинг 6 мартиде жиноят ишлари бўйича Қибрай туман суди ўзР ЖКнинг 277-моддаси, 1-қисми билан айбланган А.Холматовга оид жиноят ишини

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Баш бюронинг 2003 йил 7 июлдаги 31-сонли хулосасиде 20-сонли хулосадаги ўлим «бош миғянинг оғир даражада жароҳатланиши, бош мия суякларининг синишидан содир бўлган» деган фикри нотўғри экани кўрсатилди. Шу йилнинг 6 мартиде жиноят ишлари бўйича Қибрай туман суди ўзР ЖКнинг 277-моддаси, 1-қисми билан айбланган А.Холматовга оид жиноят ишини

шқари, эксперт Т.Фуломов мурда-ни асгулация қилишда иштирок этмаган бўлса-да, хулосага имзо қўйганлигини билдирган. Терговда сўроқ қилинган Тошкент врачлар малакасини ошириш институти гистолог В.Евстапов марҳум Р.Сайдалиевнинг бирламчи экспертисиде унинг миғясида оғир жароҳат бўлганини, деган саволга бундай жароҳат бўлмаганини, қовурганини, бош суягининг, ҳижилдоқ тоғайининг синган жойидан тайёрланган гисто препаратларида жароҳатлар бўлмаганини кўрсатган.

Агар суд Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги суд тиббий экспертизаси томонидан Тошкент вилоят СТЭнинг марҳум Р.Сайдалиев ўлими хусусиде берган суд тиббий экспертиза хулосаси нотўғри қабул қилинганини айтганида, бирламчи Қибрай туман суд тиббий экспертизаси хулосасини тасдиқлаб хулосага келмаганида нима бўлар эди? Шубҳасиз, тергов органи ёки суд эксперт Р.Тожиқуловни ўзР ЖКнинг 68-моддасиде қўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини бузганили сабабли ЖКнинг 238-, 240-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортган бўлар эди, - дейилади суд ажримида. - Ваҳо-ланки, вилоят СТЭ экспертлари ҳам юқориде кўрсатилган илмий асосланмаган 20-сонли хулосага имзо қўйишда ЖПКнинг 68, ЖКнинг 238, 240-моддаси билан оғохлантирилишга эди-ку.

Қаранг, худди шу хулоса асосиде айбланувчи А.Холматовнинг қилмишлари баҳоланганда, у ЖКнинг 97- ёки 104-моддаси билан оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этишда ноҳақ айбонлик кечириб бўлмас хатоликка йўл қўйиларди. Суд янаям инсонпарварликка юз таями. Соғлиқни сақлаш вазирлигига маъруза ҳолат бўйича хизмат текширув ўтказиб, хатоликка йўл қўйган мутасадди ҳодимларнинг интизомий жавоб-гарлиги масаласини муҳокама қилиш, қелгусида бу каби хатоликлар қайтарилмаслиғи бо-расида тегишли чора-тадбирлар белгилаш учун юборишни лозим топди.

Марҳум мурдаси баданиде бош тепа қисми шилинмаси, чап, кўз ташқи бурчаги шилинмаси ва

20-СОНЛИ ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАСИ НОҲАҚ АЙБЛОВГА АСОС БЎЛОЛМАДИ

чиликлари учун» бу вазифадан ҳам четлатишди. Уни бу ҳақда оғохлантириб қўйишни эп қўришмади, касабга уюшма розилиғи олинмади. Вилоят суд тиббий экспертиза бюроси маъмурияти қонунбузи-лишларни бартараф этиш юзаси-да соғлиқни сақлаш вазирлиғи кўрсатмалари ва вилоят соғлиқ-ни сақлаш бошқармаси бошлиғи К.Акрамовнинг 2003 йил 25 мартдаги Р.Тожиқуловни эгаллаб кел-ган лавозимига тиклаш ҳамда Меҳнат Кодексининг 162-талабларига биноан бекор юрган амалга ўрғотиш Рустам Сайдалиев унинг олдида маст ҳолатда лампочка сўраб қиради. Бу неғадир қайно-чага ёқмайди. У ҳеч бир сабаб-сиз қувёвини ҳақоратлаб, уйдан чиқиб кетишини талаб қилади. Шундан сўнг улар ўй зинасига чи-қиб, аввал бир-бирларини ҳақоратлайдилар. Сўнг ёқалашш оқибатида иккаласи ҳам зинадан йиқилди. Р.Сайдалиев воқеа жойида ерга йиқилиш натижаси-да вафот этади. Қибрай туман суд тиббий экспертизасининг Рустам Сайдалиев иши юзасидан қўшимча суд тиббий текшируви натижаларига қўра ўлим марҳум-нин нафас йўлларининг ёт нар-салар билан беркилишидан қелиб чиқиб, механик асфикция сабаб-ли содир бўлган.

Марҳум мурдаси баданиде бош тепа қисми шилинмаси, чап, кўз ташқи бурчаги шилинмаси ва

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Мамлакат миқёсида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастури қабул қилингандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий тарафидан ҳар қандай сармояларни киритиши, янги қорғонларни очиб, фермерлик фаолиятини ташкил этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Тузилган жамоа шартномалари асосида ҳодимларни ижтимоий ҳимоялашга қасаба уюшмалари маблағларидан 2,5 миллион тақчилотлар маблағидан 20 миллион сўм сарфланди.

Янгидан 2648 та тадбиркорлик субъектлари тузилди ва 16 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Шаҳар ва овулларда 5140 та юридик, 6059 та jisмоний шахслар фаолият кўрсатаяпти.

«Мароқанд» тизимининг ишга туширилиши ишбилармонларнинг дунё бизнес оламида янгиликларидан воқиф бўлиши ва илгор тажрибаларни қўлланилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 3500 дан зиёд тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, мингдан ортиқ кишига ишни ташкил қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда кўмаклашилди. Нукус шаҳри, Қонликўл, Чимбой, Қўнғирот, Тўртқўл, Эллиққалъа, Амударё, Хўжайли туманларида ўтказилган «Давра суҳбат»лари ва мулоқотларда ўртага ташланган фикр-мулоҳазалар, тақлифлар умумлаштирилди. Қорақалпоғистон Жўрғи Кенгеси раиси ва Вазирлар Кенгаши раҳбариятининг тадбиркорлар, фермерлар билан учрашувлари бу борадаги гавриларни бартараф этиш имкониятини яратди. «Ташаббус - 2004» кўрик-тановли кичик ва хусусий тадбиркорлар ҳалқ хунармандлари, деҳқон-фермер хўжаликлари имко-

ниятларини рўйбга чиқаришнинг яна бир синови бўлди.

Яқиният билан иш бошлаган тадбиркорларга банклар томонидан 8 миллиард

ТАДБИРКОР ВА БИЗНЕС ОЛАМИ

сўмлик кредитлар берилди. Ҳодимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 3 та тармоқ, 6 та туман келишуви, 54 та жамоа шартномалари тузилиб, минглаб одамларнинг ҳаёти ва турмушини яхшилаш вазибалари қамраб олинди. Бу соҳада Нукус туманида олиб борилаётган ишлар ибратли. Туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бошлиғи Юлдуз Нуримбетованин ташкилчиллиги туфайли ишбилармонлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Бугунги кунда 542 та кичик ва хусусий тадбиркорлар субъектлари, 450 та фермер хўжаликлари ишлаб турибди. «Ғаллабанк»нинг туман бўлими томонидан 33,2 миллион, Орolni кутар-қончи халқаро жамғармаси Нукус бўлими ҳисобидан

Бозор талаби қатъий

39,5 миллион, «Пахтабанк»нинг Оқманғит бўлими томонидан 27,1 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

«Оқтерак» ширкат хўжалик ҳудудидаги Рустам Сафарниёзов бошлиқ «Қувонч» фермер хўжалигида меҳнатқашлар учун қулай шароит яратиб берилган. Фермернинг макарон ва кондитер маҳсулотлари цехи, савдо дўкони мавжуд. Ойсанам Ёс-


хайри-саховат ишларини амалга оширдилар. Савдо ва умумий овқатланиш қорхоналари қасаба уюшмалари «Меҳр ва мурувват» дастури амалга оширишда ташкилотчилик қилишаяпти. Биргина «Қорақалпоқтўғуни» тизимида «Кўзи оқизлар», «Кар-соқовлар» жамиятлари-га 800 минг, кам таъминланган оилаларга 11 миллион 665 минг сўм, болаларни бепул дам олдириш учун 1 миллион маблағ ажратилди.

Бироқ жамоа шартномаларида кўрсатилган вазибалар ҳамма жойда ҳам тўлиқ ба-жарилаяпти, деб бўлмайдилар. Айрим туманлардаги тадбиркорлик субъектларида иш шароитлари яқини эмас. Ойлик маошлар кечикиб тарқатилаяпти. Кам таъминланган оилалар, нафақахўрлар, ёш болали оналарга моддий ёрдам кўрсатиш талаб даражасида эмас. Кичик ва хусусий тадбиркорлик фермер хўжаликлари қасаба уюшма хизмати билан тўлиқ қамраб олинмаган. Шунинг учун бугунги кунда тармоқ қўмитамиз мавжуд қамчиликларни бартараф этиш ва ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилишни яхшилаш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳамма жойда одамлар учун қулай иш шароити яратиб берилиши керак. Нукус шаҳридаги Роза Жўлаева бошчилик қилаётган «Оля» хусусий фирмаси, Амударё туманидаги Ерлафас Бобониёзовнинг «Ерлафас» фермер хўжалиғи, Қонликўл туманидаги Караматдин Қутимовнинг хусусий қорхонасида меҳнат муҳофазасига жиддий аҳамият берилаяпти.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан тадбиркорлар 25 миллион сўмлик

Динара ДОНИЁРОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси кичик ва ўрта бизнес, матлубот кооперацияси савдо ва тадбиркорликнинг турли шакллари ҳодимлари қасаба уюшма қўмитаси раиси



Марғилондаги Алишер Навоий номили тўқимачилик қорхонасида 700 нафардан зиёд ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Шундан 500 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Қорхонада ишчи-хизматчиларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиб, шунингдек, ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, ҳар ойда ҳар бир кишига ойлик иш ҳақиға қўшимча 5 минг сўмдан маблағ тарқатилаяпти. Махсус кийим-бош учун эса жорий йил аввалида 1 миллион 250 минг сўм ажратилди.

Айни кунда қорхонада 15 турдаги сифатли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти.

Суратларда: қорхона фаолиятиндан лавҳалар. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



НУРОНИЙЛАР ЧОЙХОНАСИ

Сариосиё тумани марказида юз кишига мўлжалланган нуронийлар чойхонаси қуриб фойдаланишга топширилди. Бу ерда қариялар чой ичиб, гурунлашиб кетиш билан қишлоқлардаги қариликнинг олтин қазини қайта кўриш бўлими, компьютер, ҳужжатлардан нусха олиш хизмати ҳам ташкил этилган. Шунингдек, чойхонада тиш даволайдиган хона, кутубхона ҳамда маънавият ва маърифат хонаси иш бошлади.

Авалло, нуронийлар чойхонаси хусусида айрим мулоҳазалар. Маълумки ҳеч бир қурилиш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун аввало яқиният, ташаббус керак. Сўнгра бақувват хомийлар, элпарвар одамлар, ишга пишиқ қурувчилар зарур. Нуронийлар чойхонаси қуриш ҳақидаги ташаббус илк бор 2003 йилда туман ҳокимлигида ўтган йиғилишда тузилган эди. Шу қурилиш учун туман ҳокими Парда Мадиев ўзининг уч ойлик маошини ажратди. Шунингдек, тумандаги барча раҳбар ҳодимлар ихтиёрий равишда бирови ойлик маошларини савоб иш учун қўшдилар.

Чойхона учун партов ер, аввал чикиндихона бўлган жой танланди. Катта элнинг катта ҳашари баҳор кунларида қуриб битказилди. Қурилиш учун икки юз миллион сўм сарфланди. Айтувчанча, туманда 2003 йили Хотира ва қадрлаш куни шанбалик ўтказилган эди. Ана шу шанбаликдан тушган маблағнинг бир қисми ҳам чойхона қурилишига ажратилди.

Ўтган ҳафта нуронийлар чойхонаси очилишига бағишлаб тантанали маросим ўтказилди. Унга тумандаги барча фахрийлар, ёшлар вакиллари, шунингдек вилоятдаги барча шаҳар, туман «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари раислари ҳам тақлиф этилди. Тумандаги 20 та кам таъминланган оиланинг 20 нафар ўғлига суннат тўйи ҳам янги чойхонада ўтказилди. Шунингдек, шу ернинг ўзида 20 нафар ногиронга арава ҳам берилди. Бу хайри ишларга ҳам туман ҳокимлиги, савобатли тадбиркорлар бош-қош бўлишди.

Маросимдан эсда қоладиган яна бир нарсашуки, қарияларни муҳофаза қилишдаги алоҳида хизматлари учун туман ҳокими соғлиқни сақлаш бўлимининг «Матиз» автомашинаси билан тақдирлади.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ

КАШҚАДАРЬ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ
Кашқадарё вилояти Касаба уюшма Кенгаши жамоаси маҳаллалар, гузарлар қишлоқ фуқаролар йиғинларида аҳолининг турмуш тарзи билан танишдилар. Шу асосда ташкил этилган вилоят Кенгашининг ишчи гуруҳи Шаҳрисабз тумани вакиллари билан учрашдилар. Барча тармоқ қасаба уюшма вилоят қўмиталари раисларидан ташкил топган гуруҳ аъзолари маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинларида бўлишиб, ҳудудда яшовчиларнинг ижтимоий аҳолини ўргандилар. Жойларда ўтказилаётган учрашувларда гуруҳ аъзолари кам таъ-

Олов-ёв!

Миробод тумани ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳодимлари ташкилот ва хонадонларнинг ёнғинга қарши ҳолатларини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ижобий ишларни амалга оширишди. Хусусан, ички ишлар бўлими ҳодимлари билан биргаликда «Антикоррупция» «Тозалаш» «Хонадон», «Арсенал» каби тадбирлар ўтказилиб берилмоқда.

ОДДИЙ БИР ЭЪТИБОРСИЗЛИК ҚИММАТГА ТУШИШИ МУМКИН

Йил бошидан буён ишлаб чиқариш қорхоналари, савдо дўконлари, маъмурий бинолар, даволаш муассасалари ҳамда янги қурилиш олиб борилаётган ҳудудларда ҳеч қандай ёнғин содир бўлмади. Лекин кўпчилик фуқароларнинг эътиборсизлиги оқибатида очик майдонлар, ахлат ташлаш жойларида 4 та ёнғин ҳолатлари аниқланди.

— Ташкилот ва муассасалар ва баланд қаватли уйлarning кириш йўлакларидан плакатлар ёпиштирилган. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида тушунтирув ва тарғибот ишлари амалга оширилмоқда, — дейди туман ИИБ ЕХБ катта инспектори ички хизмат майори Раҳман Жўраев. — Чунки аҳоли ёнғин хавфсизлиги тушунасига эга бўлиши керак. Юқоридаги тарғиботлардан эса улар кўпгина керакли маълумотларга эга бўлмоқдалар. Қорхона, ташкилот, муассаса ва уй-жой биноларининг ёнғинга қарши ҳолатларини мустаҳкамлаш, содир бўлиши эҳтимоли бўлган ёнғинни олдини олиш мақсадида қайта текширув ўтказилди. 1718 та фуқароларнинг шахсий уйлари, 111 та кўп қаватли уйлarning ёнғин хавфсизлиги қарши ҳолатлари кўриб чиқилиб уларга керакли йўл-йўриқлар берилди.

Ташкилотлар ва муассасаларда келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғин олдини олиш учун белгиланган меъёрларнинг барчасига риоя этилиши лозим. Бирламчи ўт ўчириш воситаларни созлагани, ички сув кранларининг яқини ишлаши шулар жумласидандир

Конимех чўллари баҳор ойларида яшнаб-яшариб кетади. Қиру адирлар кўм-кўк либос билан қопланган. Шуволлардан таралаётган ўткир хушбўй хид димонгизини қитқилдайди. Ўқтин-ўқтин кўзга ташланиб қоладиган лолақизгалдоқлар баҳри дилнингизни очади. Узоқ-узоқларда ўтлаб юрган қўй-қўзилар сурови, от, туялар галаси кўзга ташланади. Дилни тетикаштирувчи сархуш манзаралар, туйулган оғушида шинам ва ихчам овулга етганингизни сезмай қоласиз.

Саржол Конимех ширкат хўжалигининг маркази ҳисобланади. Бу ерда мустақиллик йилларида катта ҳажмдаги қурилиш, ободончилик ишлари амалга оширилди. Овул марказида бош режа асосида бозор, маданият-маиший бинолар, савдо растанлари қад ростлади. Айниқса, чўл бағридаги кичкина овулда спорт мажмуи қурилаётганини истиқлол берган имконият, деб баҳолаш мумкин. Энди чўпон болалари ҳам худди шаҳарлардагидек спортнинг барча турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўладилар. Спорт мажмуини қуриш ва фойдаланишга топширишни хўжалик ўз зиммасига олган. Шу кунгача бу ерда 70 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш ишлари бажарилибди. Уни йил охиригача ишга тушириш мўлжалланган экан.

Хўжалик раиси Жўлдаш Бўкаевни овулдан топиладик. Айдар бўйларига кетибди. Овулдагиларнинг ташвиш билан айтишларича, Айдар яна кутурибди. Боймурод овули билан боғловчи асфальт йўлни сув боғганмиш. Ҳа, Айдаркўлнинг суви ҳар йили баҳорда кўприб-тошиб, бир шўхлик қилади. Атрофдаги кўра-кўтонларни, чўпон уйлари суви босади.

Конимех ширкат хўжалиги тумандаги етакчи хўжалиқлардан бири

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

ҳисобланади. Бундан 5-6 йил бурун табиий офат натижасида бу ерда чорва моллари қирилиб, 15-16 минг бошга тушиб қолган эди. Бу чўпон-чўликларнинг матонатини синдира олмади. Қисқа фурсат ичида улар қўилар сонини 40 минг бошга етказишди. Айниқса, жорий йил чорвадорлар учун қулай келди. Ҳар бош қўйга биттадан қўзи қолдирилди.

лион, марказдаги касалхона тазмирлаш ва иситиш мосламаларини созлашга 625 минг сўм ишлатилди. Худди шунингдек, овулда спорт муассасаларини ташкил этиш ва голибларни тақдирлашга 1 миллион 200 минг сўм сарфланди. Хўжалик мактабларида ўқув-тарбия ишларини самарали ташкил этиш мақсадида ҳар чорак якунида аълочи ўқувчилар учун 70 минг сўмлик мукофот жордирилди.

Хўжалик ўтган йил ҳисобидан 203 миллион сўмдан ошдиқ соф фойда кўрди. Бу ўз навбатида ишловчиларнинг, аҳолининг моддий манфаатдорлиги ошишига хизмат қилмоқда. 2003 йил якунларига кўра чўпон чўликларига 3 миллион 259 минг сўмлик мукофот берилди. Хўжаликда ишловчилар махсус кийим-бош билан таъминланди. Қизиги шундаки, бу кийим-бошлар эндиликда олис шаҳарлардан келтирилмайди. Хўжалик қошида ташкил этилган 10-15 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган тикувчилик цехида тайёрланади. Чўл бағридаги овул хонадонлари табиий газ билан тўлиқ таъминланган.

Даволаниш ва таълим-тарбия муассасаларига хўжаликнинг оталиқ ёрдами катта бўлмоқда. Жумладан, биргина ўтган йилнинг ўзида мактабларни тазмирлаш ва табиий газ билан таъминлашга 30 миллиондан кўпроқ, спорт майдончаларини тазмирлашга 1,5 миллион

рий этилган. Кам таъминланган оилаларнинг 56 нафар фарзандлари вилоят ҳокими ташаббуси билан ҳафтасига бир марта бепул овқатлантирилиши йўлга қўйилган. Бу ғамхўрликдан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тахсил олаётган талабалар ҳам четда қолмаяпти. Улар учун ҳар йили хўжалик ҳисобидан контракт пули тўланади. Хўжалик маъмурияти ва қасаба уюшма қўмитаси ўртасидаги шартномага асосан ишловчиларнинг дам олиши ва даволанишлари учун ҳам барча шароитлар яратилмоқда. Жумладан, ўтган йил давомида ишчи-хизматчиларнинг санаторий-профилакторийларда дам олишлари учун яхшигина маблағ ажратилди. Чўпон болалари ёзи оромгоҳларда кўнгилли хордик чиқардилар.


Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» муҳбири

ОҒОҲЛИККА ДАЪВАТ

мингдан оилалар, уларга ажратилган моддий ёрдамнинг тақсимланиши, ҳомийлар томонидан ташкил этилаётган хайрия ишларининг аҳоли билан қизиқмоқдалар.

Энг муҳими олимлар иштирокида «Ўз уйингни ўзинг асра», «Оғоҳлик давр талаби» мавзуларида давра суҳбати ташкил этилди.

— Ички гуруҳининг асосий вазифаси жойларда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини тушунтириш, кишилар ўртасида меҳр-оқибат, савдоқат ва мурувват сингари инсоний қазилатларни янада кенгроқ сингари диришдан иборат, — дейди Кенгаш раиси Эсонбой Ражабов. — Маҳалла оқсоқоллари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, посбонлар, тумандаги мавжуд қишлоқлардаги ҳимояга муҳтож қатламга қасаба уюшмалари томонидан моддий ва маъданний кўмак берилаяпти.



Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» муҳбири



Х.ҚОДИРОВ,
«Ишонч» муҳбири

Бундан тўққиз йилча аввал Носирхон ака Тўрақулов бошлиқ «Боғу бўстон» фермер хўжалиғига ажратилган ерлар паст-баландлик, ташландиқ ерлардан иборат эди. Инсон қўлини бекорга гулга қиёлашмайди. Деҳқонлар хоҳиш-истаги, куч-ғайрати билан лалми ер боғу зорларга айлантирилди. Тўрт йилдан кўпроқ вақт ичида мевали ниҳоллар шийғил ҳосилга кирди. Хўжалик шартномавий режасини бажарган, қолган маҳсулотни ўз эҳтиёжи учун, ундан ҳам ортиганини эса хоҳлаган истеъмолчиға сошти имкониятига эга бўлди. Табиийки, даромад ҳам бир неча баровар ортди.

Ўзбек халқ мақолларида: «ерни гузал қилгани сайин, гузал бўлур ўзи ҳам инсон», дейилади. Албатта, бу ерда гап инсоннинг ташкил қилмаси тўғрисида эмас, балки ички оламидаги гузаллик хусусида бораётган. Шундай олижаноб инсонлар қаторига Носирхон акани

ҳам бақонидил қўшгимиз келади.

— Чунки, — дейди Сариосиё тумани Г.Хидиров номили ширкат хўжалиғи ҳудудидаги «Газаран» маҳалласи оқсоқоли Б.Олимов, — Миришқор боғ-боннинг мурувватидан баҳраманд бўлаётган мактаб, боғча ва эҳтиёжманд фуқаролар кам эмас. Шуниси ибратлики, бу бегараз ёрдамлар учун кишининг ташаббуслари билан амалга оширилади. Масалан, «Тоқчи» қишлоғидаги мактаб биноси жорий таъмирдан чиқарилаётганда Носирхон ака «Хорманг, бор бўлинг»дан кейин: «Бизга нима хизмат бор?», деб мактаб директориға муражаат қилди. Қисқаси, у киши 120 ўринли янги синф хоналарини қуриб бериш ва уларни жиҳозлаш харажатларини ўз зиммасига олди. Бу - 3 миллион сўмлик маблағ фермер хўжалиғи

2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

ҳисобидан тўланади, деган гап эди. Аслида ҳам шундай бўлди. Уша йилнинг ўзида яна шу мактабнинг қолган яна бир ибратомуз гап бор: Яъни, яхшилик қилсанг, охиригача қил, бунун қил, деган. Н.Тўрақулов ҳам сатиди ва бунинг учун зарур жиҳозлар харид қилиб берилди.

Хуллас, саховатпеша фермернинг кейинги уч йил мобайнидаги мурувватларини жамлайдиган бўлсак, бу қўрсаткич салкам 8 миллион сўмни ташкил этади.

Дунёда шундай одамлар ҳам борки, ўзига данғилама иморат қурадиган, ён қўшини унта гиштга муҳтож-лангандан сўнг уларга дарслиқлар ҳам олиб бериш зарурлиғи ёдига тушиди ва бир миллион сўмлик ўқув китобларини соъва қилди.

Шунингдек, тадбиркор қишлоқ инфратўзимларини ривожлантиришга баҳоли-қудрат ўз хиссасини қўшиб мақсадида «Тоқчи»да шифоҳона, саратонахона, савдо дўкони ва новий-хоналар қурилиши учун тегишли маблағ ажратди. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш ниятида ўн нафардан зиёд қизлар тикувчилик қасабига ўрга-

хотини чала қилмайди. Мактаб ўқувчиларини махсус кийим билан таъминланганидан сўнг уларга дарслиқлар ҳам олиб бериш зарурлиғи ёдига тушиди ва бир миллион сўмлик ўқув китобларини соъва қилди.

Шунингдек, тадбиркор қишлоқ инфратўзимларини ривожлантиришга баҳоли-қудрат ўз хиссасини қўшиб мақсадида «Тоқчи»да шифоҳона, саратонахона, савдо дўкони ва новий-хоналар қурилиши учун тегишли маблағ ажратди. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш ниятида ўн нафардан зиёд қизлар тикувчилик қасабига ўрга-

тидди ва бунинг учун зарур жиҳозлар харид қилиб берилди.

Хуллас, саховатпеша фермернинг кейинги уч йил мобайнидаги мурувватларини жамлайдиган бўлсак, бу қўрсаткич салкам 8 миллион сўмни ташкил этади.

Дунёда шундай одамлар ҳам борки, ўзига данғилама иморат қурадиган, ён қўшини унта гиштга муҳтож-лангандан сўнг уларга дарслиқлар ҳам олиб бериш зарурлиғи ёдига тушиди ва бир миллион сўмлик ўқув китобларини соъва қилди.

Шунингдек, тадбиркор қишлоқ инфратўзимларини ривожлантиришга баҳоли-қудрат ўз хиссасини қўшиб мақсадида «Тоқчи»да шифоҳона, саратонахона, савдо дўкони ва новий-хоналар қурилиши учун тегишли маблағ ажратди. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш ниятида ўн нафардан зиёд қизлар тикувчилик қасабига ўрга-

ТАШАББУС

«Меҳр ва мурувват йили»да Оқдарё туманидаги Янгиқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари ўзаро кенгашиб, ташаббус билан чиқишди.

Унга кўра фуқаролар йиғини ҳудудидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган эллик олтига кам таъминланган оилалар, яқка-ёлғизлар ва ногиронлар шу маҳаллаларнинг ўзида яшайдиган ўзига тўқ, саховат кўрсатишга қурби етадиган оилаларга бириктирилди. Шунингдек, ўттиз беш оила хусусий тегирмонлардан имтиёзли фойдаланишмоқда.

— Оқсоқоллар ташаббуси маҳалла фаоллари ва фуқароларимиз томонидан қўллаб-қувватланди, — деди йиғин раиси Шавқиддин Қиличев. — Ҳозирда нуронийларимиз тўй ва маъракаларни ихчамлаштириши ўз назоратиға олганлар. Хисоблаб кўрсак, кечаси ўтказилган тўй учун хонадон соҳиби электр энергияси, рангли мусика ва бошқа харажатларга ўртача юз минг сўм сарфлар экан. Шунинг учун тўйларни кундузи ўтказишни йўлга қўйдик.

Тиниб-тинчимас қариялар савй-ҳаракати билан 2,5 гектар ер майдонида хашар йўли билан спорт йўнгоҳи бунёд этилмоқда.

ПИЛЛА МАВСУМИ БОШЛАНДИ

— Республикаимиз пиллақорлари жорий йилда 530 тонна «қумуш тола» етиштиришни режалаштирганлар — деди «Қорақалпоқ пилла» акциядорлик бирлашмаси бош агрономи Сарсенгул Авезова. — Бугунги кунда 7 минг 900 нафар пиллақор билан семинарлар ўтказилди. Ипак қуртлари уруғларини сифатли жонлантирадиган 134 та инкубаторлар тайёрланди. Пиллақорларга асосий озۇқа базаси бўлган 87,3 гектар тўзторлар ҳамда 136 миллион 471 минг сўмлик бунрак пуллари тарқатилмоқда. Хитой халқ республикасида келтирилган 11 минг 500 кутти ипак қуртлари инкубаторияларга қўйлаштирилди. Бундан ташқари, пилла қабул қилиш пунктлари, пилла гумбагини ўлдириб тайёрловчи СК-150 ускуналар таъмирланиб, керакли асбоб-ускуналар билан таъминланди.

«Туркистон-пресс»

Абдунаби МАННОПОВ

ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

БУХОРО

ОҚ ХАЛАТЛИЛАР

МУСТАҲКАМ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДА

Вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшма кўмитаси тармоқ ходимларини ижтимоий-иктисодий ҲИМОЯ қилиш, уларга қулай иш, дам олиш шароитларини яратиб келмоқда.

2004 йилнинг ўтган икки ойида шароити ночор ходимларга 200 минг сўм атрофида моддий ёрдам уштурулди. Тизимда узок йиллар самарали меҳнат қилиб келган ва бугунги кунда қарилик гаштини сураётган фахрийларга 2 миллион 676 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Тиббиёт-профилактика муассасаларида ишловчи ходимларга амалдаги қонунлар ва жамоа шартномаларига асосан 36 соатлик иш ҳафтаси, уч кундан кам бўлмаган ҳақ тўланадиган таътил, тўй ва бошқа маросимлар муносабати билан 7 кундан 10 кунгача наватсиз таътил берилиши амалга оширилди. Урта ва кичик тиббиёт ходимлари — аёл пенсиясизларга тўлиқ пенсияси ва оилак машина олишлари амалга оширилди.

Обод маҳалла йили тадбирлари асосан ўтган йили 15 нафар ходим санаторий-санаҳтоҳларда соғломлаштирилди. Бунинг учун ижтимоий суғурта маблағларидан 1052,1 минг сўм харажат қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичи икки баравар ошириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, 2003 йилда тизимда ишлаётган ходимлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жиззах вилоятидаги «Зомин» санаторийсида бўлиб ўтган республика тармоқ спартакиадаси ҳамда вилоят касабга уюшмалари Кенгашининг тармоқларидан спартакиадасида ходимларимиз фаол қатнашиб, етакчи ўринларни олишга муассар бўлдилар.

Мамакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафаси-

ган. Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, уларни ҳуқуқий ҲИМОЯсини таъминлаш касабга уюшмаларининг асосий вазифаси бўлиб, бу борада ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги тиббий профилактика муассасаларида ишлаб чиқариш билан боғлиқ жароҳат олган ёки касб касаллигига чалинган ходимлардан Олот тумани давлат селенария-эпидемиология назорат маркази дезинфектори М.Шокиров, тез тиббий шовилчин ёрдам илмий маркази Бухоро филиали фельдшер А.Норов, Ромитан тумани марказий касалхонаси дояси Ш.Салимова, вилоят дезинфекция станцияси дезинфектори Д.Бақоевларнинг ҳақ-ҳуқуқлари вилоят кўмитасининг аралашуви билан қайта тикланди. Вилоят тери-таносил касалликлари диспансери ходими Мадиёр Худоевнинг ҳар ойда оладиган тоvon пули тўловини давом эттириш масаласи ижобий ҳал этилди.

Ходимлардан тушган ариза ва мурожаатномалар асосида Бухоро шаҳар 6-сон поликлиникаси хизматчиси Ф.Сағдиева, тез тиббий шовилчин ёрдам илмий маркази Бухоро филиали сартароши К.Ҳақназаров, Бухоро тумани марказий касалхонаси хизматчиси Ш.Мирзаевлар ўз ишига қайта тикланди. Бундан ташқари, иқтисодий ҲИМОЯга муҳтож, кам таъминланган ходимларнинг 6 нафар фарзандига ҳар ойга 3500 сўмдан касабга уюшмаларнинг «Ҳавас» стипендияси бериб берилмоқда.

Ш.СУЛТОНОВ,
вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшма кўмитаси раиси



ЙОД ТАНҚИСЛИГИ ТУФАЙЛИ

Юзага келётган касалликлар хуружини тўхтатиш ва уларга қарши кескин кураш масаласи дунё олимлари олдида турган энг долзарб муаммолардан бирига айланган сир эмас. Ҳисоб-китобларга кўра биргина бўқоқ хасталигига дучор бўлганлар сони 760 миллион кишини ташкил этади. 11 миллион кишида эса эндемик кретинизм ва психомотор ўзгаришлар мавжудлиги қайд қилинган.

Йод инсон организми учун ниҳоятда зарур бўлган элементлардан биридир. У асосан қалқонсимон безда гармон ҳосил бўлишида асосий омил саналади. Борди-ю организмда йод танқислиги кузатила, безда гармон ишлаб чиқариш пасаяди. Бу эса модда алмашувининг бузилишига қайб келади.

Бутун мамлакатимизда кузатиладиган бизнинг вилоятимизда ҳам йод танқислиги туфайли юзага келётган касалликларга қарши жиддий кураш олиб борилаётир. Вилоят раҳбарияти, соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари билан келишилган ҳолда шаҳардаги энг кўрак ва шушманзара жойини эндрокринология диспансери учун ажратиб берилганлиги ҳам айни мuddа бўлди. Мана у йилдики, 100 ўринга мослаштирилган ушбу даволаш муассасасида минглаб беморлар шифо топдилар.

12 нафар тажрибали врач, 35 нафар ҳамшира беморлар дардига дармон бўлиб келмоқда. Феруза Икромова, Гулчехра Муҳаммедова, Саломат Ҳасанова, Дилором Одилова сингари қўли энгил, хушмуомала ва ширинсухан ҳамкасбарларимиз шаънига ҳар қанча илқ сўзларни айтсак, камлик қилади.

Ҳар қандай касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олишга жиддий эътибор бериш фойдалан холи эмас. Шу боисдан ҳам йод элементларининг етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олишга қаратилган махсус дастур асосида ишни ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. «Саломатлик» миллий дастури асосида профилактик ишлар олиб борилаётир. Бунда аҳолига йодланган сифатли ош тўзи етказиб бериш борасидаги саъй-ҳаракатлар жуда қўл келаяпти. Саъдо шохобчалари орқали аҳолига соғайтган ош тузининг истеъмолга яроқлилиги каттик назорат қилинмоқда. Қисқа келиб айтганда, касалликлар профилактикаси бира тўла уч йўналишда олиб боришмоқда. Бунда халқаро ташкилотларнинг беғарас кўмагини ҳам ҳис этиб туришимиз.

Қувонарлиси, даволаш профилактика ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилган йўл ўзини оқлаяпти. Бугун вилоятда аҳоли ўнгида, Агар 1998 йилда аҳолининг 63 фоизини йод танқислиги қайд қилинган бўлса, ўтган йилга келиб бу кўрсаткич 48 фоизни ташкил қилди. Демак, касаллик чекинмоқда.

Умар ШЕРОВ,
вилоят эндрокринология диспансериининг бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди

ҚВПЛАР СОНИ 10 ТАГА КўПАЙДИ

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури талабларидан келиб чиқиб, вилоятда нафақат шаҳар, ҳаттоки энг чекка қишлоқ аҳолисига ҳам кўнгилдагидек тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этишга алоҳида эътибор билан ёндошилмоқда. Бу борада қишлоқ врачлик пунктларини таъмирлаш, жиҳозлаш ва янгиларини қуриш бўйича мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилаётган ишларни ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.

Ишчи гуруҳи ишнинг боришини изчил назорат остига олиб, махсус режа асосида ўз фаолиятини йўлга қўймоқда. Вақти-вақти билан ўтказилаётган йўналишларда умумий аҳоли атрофича муҳофаза қилиниб, юзага келган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш чоралари белгиланаётир. 2003-2004 йилларга мўлжалланган амалий ишлар дастури асосида вилоят қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш масаласи муҳим вазифа сифатида қаралаётганлиги диққатга сазовордир. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида ушбу масканларни табиий газ, тоза ичимлик

суви, электр энергияси ҳамда алоқа воситалари билан таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилаётир. Яқунланган йилда ҚВПлар сони яна 10 тага ошди. Шу тарзда қишлоқларда тиббий хизмат кўрсатувчи даволаш муассасаларининг сони 300 тадан ошиб кетди. Уларнинг қарийб 100 тасини замонавий усулларда янгидан қурилган ҚВПлар ташкил этади. Аҳоли талабларига мос тушадиган бундай ишшооларни барпо этиш жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда.

Н.МУРОДОВА

ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА

Эндилқид пештоқига «Оилавий поликлиника», «Хусусий шифохона», «Хусусий диагностика маркази», «Хўжалик ҳисобидаги бўлим», «Оилавий шифохона» деган ёзувлар осилган биноларга тез-тез кўзимиз тушишга қолади. Улар давлатга қарашли даволаш муассасалари билан рақобатга дош бериб, ўз ўзини топишга интилайтган тиббиёт даргоҳларидир.

Шифокорлик ўта нозик, айни чоғда жиддий эътибор ва катта масъулият талаб қиладиган касблардан бири эканлиги билан бошқа касблардан ажралиб туради. Ўз касбининг чинакам устасига айланган фидойи шифокор — мудом жамиятга, халққа нафи тегаятганидан мамнун ҳолда иш юритишга интилади. Ана шу тўйғу бизни махсус диагностика маркази очиб, беморларга кўпроқ нафимиз тегишига қорлаган бўлса ажаб эмас. Устига-устак бу ерда кўп тармоқли даволаш ишларини мукамал олиб бориш учун етарлилик шарт-шароит яратилган. Бунинг учун энг аввало, хомийларга, узокни қўлаб иш тутган тадбиркорларга раҳмат дегим келади. Негаки, хусусий даволаш муассасасининг моддий-техник базаси мустаҳкамлашишида айнан уларнинг хизматлари катта.

Марказимизнинг биринчи қаватида ултраовуш диагностика хонаси, ошқозонни оптик асбоблар ёрдамида кузатиш кабинети, клиник ва биохимий таҳлилхоналар, жарроҳлик ва физиотерапия ҳамда акушер-гинекология хоналари жойлашган бўлса, иккинчи қаватда операция зали, компьютерли кардиограф ва стационар даволаш бўлимлари ишлай турибди.

Жамоамизда ҳаммаси бўлиб 15 киши ишлайди. Улардан 9 нафари шифокорлардир. Уролог Салим Холмуродов, болалар шифокори Фозилжон Жуманов, лаборант Надежда Недобеговалар жамоамиз фахри.

Меҳр ва муруват йили муносабати билан биринчи гуруҳ ноғиронларига, «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига бепул тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйганмиз. Бу ҳам ўз навбатида жамоамизда муруват, саховат талаб шифокорлар хизмат қилаётганлигини кўрсатади. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, ҳозирги вақтда марказимизга мурожаат қилаётганлар сони ошиб бормоқда.

Флора НОСИРОВА,
Ғиждувон туманидаги «Дилдора-Дилобар» хусусий даволаш диагностика маркази раҳбари

Республика Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони асосида вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги 7 та даргоҳ-профилактика муассасасида ўз-ўзини молиялаштириш орқали босқичма-босқич пуллик тиббий хизмат кўрсатишга ўтиш ташкил қилинди.

Бу муассасалар қаторига вилоят клиник шифохонаси, Бухоро шаҳар касалхонаси кардиология диспансери, аёлларни соғломлаштириш маркази, иختисослаштирилган турғуқ мажмуи, марказий шифохона ва вилоят кўз касалликлари шифохонаси киради. Мазкур даволаш масканларида тиббий хизматларни альтернатив тарзда мукамал олиб бориш мақсадида хўжалик ҳисобидаги бўлимлар ташкил этилди. 2001 йил хўжалик ҳисобидаги шифо ўринлари сони вилоятда 227 тани ташкил қилган бўлса, амалдаги йилга келиб уларнинг сони 671 тага етди.

Вилоят клиник шифохонасидаги 1-терапия, 1-хирургия, кардиология диспансеридаги 2-хўжалик ҳисобидаги бўлимларда ой мобайнида 3-4 миллион сўмга қадар маблағ туширишга эришилди, беморларга сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатадиган бўлимларда малакали мутахассислар фаолият кўрсатмоқдалар. Айниқса, Т.Жумаев, Ж.Жумаев, Ш.Норов, И.Саломов, Н.Шарофов бошчилик қилаётган хўжалик ҳисобидаги даволаш бўлимларининг тажрибали шифокорлари

РАҚОБАТБАРДОШ ТИББИЙ ХИЗМАТ

хизматидан кўпчилик мамнун. Хўжалик ҳисобида ишлаётган бўлимлар томонидан 2001 йилда 380 миллион сўмга яқин бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топилган бўлса, 2003 йил якуни билан бу кўрсаткич 702 миллион сўмга етди. Бошқача қилиб айтганда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда сезиларли уютулган эришилди.

Хўжалик ҳисобидаги шифо ўринлари, бўлимлар шаҳар ва туман марказий касалхоналари таркибида ҳам альтернатив тарзда ташкил қилинмоқда. Туман марказий касалхоналари таркибида 20-30 ўринли терапия ҳамда хирургия соҳасига йўналтирилган бўлимлар мавжуд. Жумладан, Қорақўл туманидаги 20 ўринли неврология, 20 ўринли кардиология, Ромитан туманидаги 10 ўринли жарроҳлик, Пешку туманидаги 15 ўринли неврология бўлимлари рақобат-

бардош тиббий хизмат кўрсатиш даражасига етганили билан ажралиб турибди.

Жорий йилда қўшимча равишда яна 54 та ўринга мўлжалланган хўжалик ҳисоб-

бидаги бўлимлар ташкил қилиш мўлжалланган бўлиб, айни кунларда ташкилий-услубий ишлар олиб боришмоқда. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг асосий мақсади келажакда моддий-техник базаси мустаҳкам, рақобатбардош тиббий хизмат кўрсатишга ҳамда барча замонавий шарт-шароитларга эга хўжалик ҳисобидаги бўлимлар ташкил қилишдан иборат. Ушбу мақсад йўлида чет эл инвестицияларини жалб қилиш, шифокорлар малакасини оширишга эътиборни қаратиш борасида қизгин иш олиб борилапти.

Комила ИБРАГИМОВА,
Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш, хусусийлаштириш ва пуллик тиббий хизматлар кўрсатиш бошқармаси бошлиғи

АЙБДОР «ТЕЗ ЁРДАМ» ҲАЙДОВЧИСИ

Шофиркон туманидаги Бобир номли ширкат хўжалиги худудидан кесиб ўтган магистрал йўлнинг 7-километрида йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди. 25-30лардаги кишининг мурдаси топилганлиги ҳақидаги хабардан воқиф бўлиб, йўлга тушдик. Қайта таъмирланиб, кўзга ташлануб қолган туман ИИБнинг маъмурий биносига етиб келганимизда, шаҳар узра оқшом чўкканди. Дарвозадан ичкарига кириб, «Тез ёрдам» машинасига кўзимиз тушган, қулоққа чалинган гап-сўзлар бежиз айтилмаганига икром бўлдик. Бошқарма бошлиғи, милиция подполковниги Баҳодир Соҳибовнинг хонасидаги суҳбатимиз мазкур воқеа тафсилотлари ҳақида кечди.

Кеч соат 23.30 ларда юқорида қайд қилиб ўтилган манзилда рўй берган йўл-транспорт ҳодисаси туфайли шахси номаълум эркак кишининг ўлик ҳолда ётганлиги тўғрисидаги хабарни эшитишимиз биланоқ ҳаракатга тушдик. Воқеа жойида вафот этган шахсининг кимлиги аниқланган, жиноят содир этган кишининг кимлигини

олис Зарафшон, Самарқанд, Қоровулбозор, Тошкент шаҳарларига йўл олган автоуловлар ҳам эътиборимиздан четда қолмади. Кўздан кечирилган «Дамас»ларнинг бериортаси ҳам шубҳа уйғотмади, дейди Боҳодир Соҳибов. «Шунда миямга бир фикр келди. «Милицияга хабар берган ким бўлди экан-а?» Милиция майори Рашид ака Шодиевга ҳам бу фикрим маъқул тушди. Икковлашиб яна ҳаракатга тушдик. Хабарни Вобкент тумани Марказий касалхонасига қарашли «Тез ёрдам» машинаси ҳайдовчиси берганлигини аниқлашга муваффақ бўлдик. Шошилчн тарзда у ерга йўл олинди. «Дамас»ни топириш жараёнида унинг баъзи қисмлари алмаштирилганлиги маълум бўлиб қолди.

Машина ва унинг ҳайдовчиси Ф.А.ни туман ИИБ келтиридик. Тез орада ҳайдовчи ўз айбини бўйнига олди.

Сомон СОЛИХ ўғли,
«Ишонч» муҳбири

ЁРУФ ЖАҲОНИМ МЕНИНГ

мутасаддилари томонидан аҳоли чўқу ўрганиб чиқилиб, касалхонани бошқа бинога қўчиришга қарор қилинди. Бино қайта реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Мана бир йилдики, шифокорларимиз барча қулайликларга эга бўлган янги масканда беморларга хизмат кўрсатиб келишмоқда. 30 та бюджет ҳисобидаги ҳамда 40 та хўжалик ҳисобидаги ўринларга эгамиз. Ўз ишининг пухта билимдонига айланган 12 нафар малакали шифокор туну кун беморлар дардига маҳкам бўлишга интилади. Уларнинг 7 нафарини олий тоифали шифокорлар ташкил этади.

операциялар ҳам қилинаётир. Гавҳар қўйиб, кўзининг пастки қовоғини тўрилади, гилайликни тузатиш каби қатор мураккаб жараёнлар шулар жумласидандир. Қўриш қобилиятини йўқотиб, умид билан бу ерга келган беморлар орасида нафақат вилоятимиздан, ҳатто олис Қўқон, Самарқанд, Қарши шаҳарлардан келганлар ҳам оз эмас. Кушонлиси, мураккаб пластик операциялардан сўнг беморларнинг кўриш қобилияти тикланмоқда.

Ориф САФАРОВ,
вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош ҳақими

